

# ЁШЛАРДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД ВА ДУНЁҚАРАШ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

*Умарова Муқаддас Мухтаровна  
Психология фанлари номзоди, доцент ҚДПИ*

**Аннотация:** ушбу мақолада ёшларда миллий қадриятларимизга, жумладан, оилавий анъаналар, ноёб расм- русумларга оид эътиқодни шакллантириш орқали уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилапарварлик хусусиятларини тарбиялаш маънавий- маърифий ишлар самарадорлигини оширувчи таъсирчан воситалардан эканлиги баён этилган.

**Калит сўзлар:** соғлом эътиқод, дунёқараш, тарбияловчилик функцияси, маънавий муҳит, ахлоқий муҳит, инсоний фазилят, стереотип, установка.

**Аннотация:** В статье говорится, что подготовка молодежи к семейной жизни через формирование убеждений в наших национальных ценностях, включая семейные традиции, уникальные обычаи, является одним из наиболее эффективных инструментов повышения эффективности духовно-просветительской работы.

**Ключевые слова:** здоровые убеждения, мировоззрение, воспитательная функция, духовная среда, нравственная среда, человеческие качества, стереотипы, установки.

**Abstract:** This article states that preparing young people for family life through the formation of beliefs in our national values, including family traditions, unique customs, is one of the most effective tools to increase the effectiveness of spiritual and educational work.

**Keywords:** healthy beliefs, worldview, educational function, spiritual environment, moral environment, human qualities, stereotypes, attitudes.

Ўзбекистон Республикасида оила ва таълим муассасалари ҳамкорлиги масаласига жамоатчиликнинг қизиқиши ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида, ота-она, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг

тарбияловчилик функциясини ошириш, оила – таълим муассасаси ҳамда оналар, педагоглар ҳамкорлигининг шакл ва усулларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Чунки мазкур масала бугунги жамият талаблари, оила ва таълим муассасаларидаги муҳитга боғлиқ бўлган доимий, узлуксиз жараён дир. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимизда уларнинг ҳамкорликда фаолият олиб бориши, оилаларнинг муаммоларини биргаликда аниқлаши ва ҳал қилиш чораларини кўриши учун ноёб тизим яратилди. Оила ва таълим муассасалари ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш борасида юзага келаётган муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидандир.

Оила инсоннинг илк болалигидан бошлаб онгида шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ниятлар, қадриятлар такомил топадиган ва соғлом эътиқодлар шаклланадиган муқаддас даргоҳдир. Шу муқаддас даргоҳда маънавий- ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва у орқали шахсни соғлом эътиқодли, янгича фикрлайдиган, баркамол шахс қилиб тарбиялаш бугунги ислохотлар даврида Ўзбекистон учун давлат аҳамиятига молик масаладир.

Зеро, ёшларда миллий қадриятларимизга, жумладан, оилавий анъаналар, ноёб расм- русумларга оид эътиқодни шакллантириш орқали уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилапарварлик хусусиятларини тарбиялаш маънавий- маърифий ишлар самарадорлигини оширувчи таъсирчан воситалардандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оилавий анъаналар, расм- русумлар ва одатлар орқали ёшлар онгида соғлом эътиқод ва дунёқарашга алоқадор тушунчаларни сингдиришни таъминловчи ижтимоий- психологик омиллар ва шарт-шароитларни аниқ билиш ўта долзарб ва муҳим вазифадир.

Бола дунё, унинг сир- синоатлари қаторида оила ва никоҳ, оилага ва инсоний муносабатларга оид қадриятларнинг маъно- моҳиятини билиш, нафақат билиш, балки эътиқод тариқасида қалбига сингдиришга эҳтиёж сезади. Лекин айни шу тараққиёт даврида унинг онгини чалғитувчи биддиятлар ва нотўғри стереотипли установкалар, зарарли одат ва

кўникмалар шаклланиб қолиши мумкин. Шу ўринда оилавий муҳитнинг соғломлиги, ундаги азалий кадриятларнинг миллий ва умуминсоний маънавият тамойилларига мослиги ҳар бир ўғил ва қизда соғлом дунёқараш ва оилапарварлик сифатларининг камол топишига замин бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараёнга хизмат қилувчи оиладаги ижтимоий- психологик шарт- шароитлар ва воситалар мустақил равишда махсус тарзда ўрганилмаган, мавжуд назарий қарашлар эмпирик материалларда асосланмаган. Зеро, ёшларда , айниқса, ўсмир ёшидаги болаларда ёт ғояларга нисбатан, ижтимоий хулқ нормаларига зид установкаларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни энг илғор ва сафарбар этувчи ғояларни тўғри идрок қилиш, оиланинг жамиятда тутган муқаддас роли ва унинг Ватан, она-юрт тушунчалари билан боғлиқлиги руҳида тарбиялаш моҳиятан ижтимоий-психологик ҳамда педагогик муаммодир.

Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини қўлга киритгач, асрий маданий ва маънавий меросимиз, миллий кадриятларимиз тикланиши, ҳар бир фуқаро онгида келажаги буюк юрти борлигини англаш, Ватанга чексиз меҳрумуҳаббат, садоқат ва ўз меҳнатидан манфаатдорлик, шу орқали оила ҳамда никоҳнинг муқаддаслиги ғоясини сингдириш учун қулай шарт- шароитлар пайдо бўла бошлайди. Республикамизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, туб ислохотлари кундан кунга Ватанимизнинг буюк келажигига ишонч, юрт тинчлиги, фаровонлигига алоқадор муқаддас тушунчаларнинг моҳиятини англаш, уларни фуқаролар онгига , биринчи навбатда , ўсиб келаётган ёш авлод қалбига сингдиришда эса оила институтининг роли кучли бўлганлиги учун ҳам оилага оид кадриятларга нисбатан ўсмирлардаги эътиқодни тарбияловчи шарт-шароитларни ўрганиш вазифаси долзарб муаммо сифатида кун тартибда турибди.

Ҳар қандай жамиятда бўлгани каби бизнинг жамиятимизда ҳам ҳар бир алоҳида шахс ва яхлит халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи, уларни бирлаштирувчи , юрт тинчлиги ва турмуш фаровонлигини таъминловчи илғор ғоялар борки, уларнинг ҳар бир фуқаро томонидан анланганлик даражаси

ана шу жамиятнинг ривожланиши тамойилларини белгилайди. Шу маънода шахсдаги ахлоқийлик ва эътиқодлилики ана шундай соғлом дунёқарашларни, теран фикрлашни таъминловчи ижтимоий-психологик омил ҳамда шарт-шароит, деб эътироф этиш мумкинлиги, унинг моҳиятини илк болаликдан оила муҳитида, ундаги қадриятлар доирасида, ота ва онанинг обрўси, билимдонлиги, ўрнатилган бўлувчи шахс сифатидаги таъсирида улар онгига сингдириш психологик аҳамиятга эга. Чунки оила асрлар мобайнида халқ анъаналари, миллий расм-русумлар ва одатларни сақлаб ҳамда намоён этиб келаётган ноёб макондир. Шунинг учун Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев оила ва ундаги анъаналарга, миллий қадриятларимизга жуда катта эътибор бериб, оиланинг мустақам бўлиши, унда ёш авлод тарбиясининг тўғри йўлга қўйилганлиги энг аввало улардаги мустақил фикрлаш, соғлом эътиқод ва теран дунёқарашни шакллантиришда муҳим роль ўйнашини таъкидлаб, шу аснода таркиб топадиган қарашлар тизимини миллатнинг мафкураси, деб таърифлайдилар.

Ҳозирги даврда ёшларни оила ва унда сақланиб келаётган азалий қадриятлар таъсирида ахлоқан тарбиялаш муаммоси кўплаб назарий ва эмпирик изланишлар предметиға айланмоқда. Зеро, бундай ёндашув ўтмиш алломаларнинг фалсафий-ғоявий қарашлари, оила ва оилавий тарбия масалаларига бағишланган ўғитлари маъно-моҳиятиға мосдир. Шарқнинг буюк мутафаккирлари саналмиш Аҳмад ал-Фарғоний, Маҳмуд –аз – Замахшарий, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Ал Аббос Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби ўнлаб алломалар қарашларида бола тарбиясида энг муҳим ижтимоий омил сифатида оила, оналарнинг дунёқарашлари, тарбия услублари ва бунда жамият эътироф этган нормаларнинг оила қадриятларига мувофиқлиги тамойили ўз ифодасини топган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, охириги йилларда тарих ва маданиятшунослик, маънавият ва ахлоқшунослик, адабиёт ва диншунослик, фалсафа ва педагогика йўналишларида чоп этилаётган қатор рисола ва китобларда, илмий ва оммабоп мақолаларда ҳам бу масаланинг

турли жиҳатлари ёритилмоқда. Бироқ, юқорида таъкидланган оилага тегишли анъаналарга нисбатан шахс эътиқодлилигининг ҳар бир жамият аъзосининг эҳтиёжига айлантирилишига имкон берувчи ижтимоий- психологик шарт-шароитларини ўрганиш ўз ечимини кутиб турибди.

Оилавий анъана ва қадриятларга нисбатан эътиқодлилиқ тушунчаларини таърифлашда қуйидагиларни назарда тутамиз: “ Эътиқод “ атамасининг ўзи арабча “ ишонч” сўзидан олинган бўлиб, эътиқодлилиқ шахснинг ҳаёт (жумладан , оилавий ҳаёт), унинг қадриятлари, нормалари ҳамда ижтимоий роллар тўғрисидаги тушунча, тасаввур ва билимларининг анланган ва шу боис кундалиқ турмушда риоя қилинадиган эҳтиёжга боғлиқ фазилатидир. У анланган ижтимоий установка бўлиб, шахслараро муносабатлар тизимида шахс учун аҳамиятли бўлган кишилар гуруҳи-референт гуруҳ таъсирида фасилитация ҳодисаси туфайли шаклланади. Эътиқоднинг ижтимоий- психологик конформлилиқдан келиб чиқадиган ишонувчанлиқдан фарқли жиҳати шундаки, ишонувчанлиқ шахснинг онгсиз мосланувчанлиги, муҳитнинг қадриятларига нисбатан вақтинчалиқ установкаларини ифодаланса, эътиқодлилиқ анланган установка сифатида шахснинг аниқ ижтимоий тасаввурлари, билимларига асосланган баҳолари ҳамда шахсий маслақларидир.

Оилага тегишли бўлган эътиқодлилиқ оилапарварлиқ билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу тушунча - шахсдаги ижтимоий тасаввурлар мажмуидаги оиланинг анъаналари, удумлари, расм-русумлари ва қадриятларига нисбатан ижобий ижтимоий установкакани ифодалайди

Шахснинг эътиқоди, эътиқодлилиқ ва уларни шакллантирувчи омилларга ишонч муаммоси ижтимоий психологиядаги муҳим масалалардан биридир. Адабиётларда эътиқод одатда шахснинг анланган ҳаётий муҳим қадриятларига мос келадиган эҳтиёжидир [1], деб таърифланади . Эътиқод шаклида ифодаланадиган ижтимоий эҳтиёжлар одатда табиат ва жамиятни маълум маъно –моҳиятини акс эттиради. Шу тарздаги қарашлар маълум бир тизимга бирлашгач, бу мажмуа шахснинг дунёқарашини ташкил этади.

Шахсда барқарор эътиқоднинг мавжудлиги унинг ижтимоий фаоллигини билдириб, билимлар, эътиқод ва амалдаги хатти-ҳаракатлар уйғунлигини ифодалайди.

Умуман , шахс йўналишлари доирасида қаралганда, эътиқоднинг объектлари хилма хил бўлиши мумкин. Масалан, Оллоҳга эътиқод, Ватанга эътиқод, касб-хунарга нисбатан эътиқод, инсонларга эътиқод, оилага эътиқод ва шу қабилар. зеро, ҳар қандай эътиқоднинг инсон қалбидан ўрин олиши ва ижтимоий ҳуқида намоён бўлишига туртки бўладиган объектлар ижтимоий бўлиб, уларнинг моҳияти ва аҳамияти шахс томонидан шахслараро муносабатларда англанади. Эътиқод объектлари орқали шаклланган шахс фазилятлари психологияда эътиқодлилиқ деб юритилади.

Ҳар қандай эътиқоднинг инсон қалбидан ўрин олиши ва ижтимоий ҳуқидв намоён бўлишига туртки бўладиган объектлар ижтимоий бўлиб, уларнинг моҳияти ва аҳамияти шахс томонидан шахслараро муносабатларда англанади.

Эътиқодлилиқ инсоннинг ҳаётий тажрибаси ва жамият билан бўлган муносабатларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу сифат инсоннинг дунёқарашини ташкил этувчи билимлари билан чамбарчас боғланган . Шу нуқтаи назардан бу сифат яна унинг иродаси билан боғланиб, фаолият мотивлари, ижтимоий установкалар ҳам унинг табиатидан келиб чиққанлиги учун ҳам эътиқодли инсонда мардлик, шижоат, дадиллик, қатъият, иймон бутлиги каби иродавий сифатлар бўлади. Шахс ижтимоий фаоллигининг асоси сифатида у жамият эҳтиёжлари , унинг ижтимоий тарихий жараёнлари ҳамда шу жамиятдаги ахлоқ номаларини англашига ёки улардан воз кечишига имкон беради. Яъни агар ўша ижтимоий нормалар ундаги эътиқод мазмунига мос келмаса, рад этади, рад этиш кучига қараб, шахс эътиқодли ёки эътиқодсиз деб эътироф этилади. Лекин шахс у ёки бу нормаларни танқидсиз, тушунмай қабул қилиши ҳам мумкин, унда бу ҳолат ундаги эътиқодлилиқни сусайтириши ёки буткул йўқотиши ҳам мумкин.

Қандай шароит, қай муҳитда бўлмасин, шахснинг турли ижтимоий муносабатлар таъсирида шахслааро ўзаро таъсир муҳитида бўлиши психологияда исботланган ҳолатдир.

Шахсда бирон- бир эътиқодни шакллантириш, уни тегишли соҳа ва маълум бир ғояга ишонтириш соф ижтимоий-психологик жараён бўлиб, унга охирги йилларда йирик мутахассислар, психолог олимлар катта эътибор қаратмоқдалар. “Эътиқоднинг шаклланиш жараёни осон эмас, унинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи энг бирламчи омил – бу ахборотлардир,”- деб ёзади америкалик психолог Аронсон. [2]

Эътиқод тарбиясининг моҳияти шундаки, у-биринчидан, шахс тарбиясининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу-инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир оқибат ўз мақсад ва моҳияти жиҳатидан эътиқод тарбиясидир. Чунки оиладаги тарбияни оламизми, мактабгача таълим ташкилотидаги тарбия, маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, олий таълим муассасаси ёки академияни оламизми, бу таълим муассасаларида берилаётган таълим ва тарбия жараёнлари таълим олувчилар дунёқарашини кенгайтириш, илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган бўлади. Бу ишлар боланинг дунё ҳақидаги, оила ва никоҳ ҳақидаги, инсоний муносабатлар сир-асрорлари, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Том маънода бу- эътиқод ва дунёқараш тарбиясининг асоси- фундаменти дир. Шунинг учун эътиқодсиз инсон, гуруҳ, миллат, халқ, жамият бўлиши мумкин эмас.

### **Фойдаланилган адабиётлар :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б.39.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 мартдаги “Хотин- кизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.
3. Аронсон Э.Эпоха пропагандк :механизмы,убеждения,повседневное использование и злоупотребление.СПб: ЕВРОЗНАК,2002-384 стр
4. В.Каримова. Оилавий ҳаёт психологияси.-Т.,2006.
5. Салаева М.Ўзбек оилаларида ота –она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий- психологик хусусиятлари.Дис.психол.фан.ном.19.00.05.- Т.2005.
6. Психология.Словарь /Под.общ.ред.А.В.Ветровского2-еизд.М.1990